



Бугунги кунда бутун жахонга машхур бўлган Эйфель минорасини 1889 йилда, Парижда ўтказилган Бутунжахон кўргазмаси учун курувчи-мухандис Александр Гюстав Эйфель тиклаган эди. Эйфелнинг фикрича, бу минора вактинчалик, яъни, 20 йил туриб бериши керак эди. Бирок Франциянинг рамзига айланган минора орадан 123 йил ўтдики, хамон ўша-ўша...

Европанинг энг киммат иншооти

Яқинда Европанинг энг киммат тарихий иншооти сифатида Париждаги Эйфель минораси танланди. 344 млрд. фунт-стерлингга баҳоланган ва баландлиги 324 метр, оғирлиги 10 100 тонна бўлган ушбу минора Италиядаги Колизей иншоотидан 6 баробар киммат экан.

Ушбу тадқиқот Италияда ўтказилди. Шунингдек, бир йилда 7 миллион инсон ташриф буюрадиган Эйфель минораси дунёда энг кўп зиёрат қилинадиган тарихий макон деб тан олинди. Шу пайтгача бу минорани 200 миллион инсон зиёрат қилган. Италиядаги Колизей майдонига йилига 4 миллион сайёҳ ташриф буюради.

Эйфель дарахтга айланмокда

Сайёҳларни ўзига жалб қилувчи машхур минорани темир кафас кўринишидан воз кечиб, дунёнинг экологик рамзига айлантириш борасида улкан кадам ташланди. Минора янги лойихага кўра дунёдаги энг кўркам дарахтга айлантирилади. У 600 минг туб турли ўсимликлар билан копланди. “Le Figaro” газетасининг хабарига кўра, лойиха режаси 7 декабрда якунига етказилади. Лойихани амалга ошириш учун 72 миллион евро сарфланиши белгиланган. Ўсимликлар 2013 йилнинг июн ойидан бошлаб жойлаштирилади. 2014 йилга бориб, Эйфель минораси ям-яшил тусга киради.

Миноранинг рафикаси бор

Сан-Францискода яшовчи 37 ёшли Эрика ля Тур хамма аёллар каби оддий бир аёл. Аммо у гайриоддий севги асираси. Эрика Эйфель минорасини севиб қолган. Ёшлигидан таъкиб этиб қелган ана шу мухаббат таъсирида Эйфель фамилиясини хам олди. Унга ўхшаган гайриоддий севги асирларининг 40 таси фанга маълум.

Эйфелни сотган фирибгар

Бугун Франция рамзи бўлган Эйфель минораси бир пайтлар бир уюм темир сифатида металлломга топширилишига бир баҳя колган. Дунёдаги энг истеъдодли товламачи деб тан олинган Виктор Люстиг ўтган асрнинг бошларида Эйфель телеминорасини сотди... Франция почта ва телеграф вазирининг ўринбосари эканлигини ҳеч шубҳасиз тасдиқлайдиган сохта ҳужжат билан у металл парчаларини сотиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган олтита йирик фирмаларнинг вакилларига расмий мактуб юборди. Икки кундан сўнг эрталаб кора металлни иккиламчи қайта ишлаш бўйича беш нафар дилер «Крийон»нинг ҳашаматли саройида тўпланди. Чаккон официантлар меҳмонларни коктейллар ва таомлар билан сийлашар, ниҳоят, ёқасига «Фахрий Легион» ордени белгисини таккан Люстиг пайдо бўлди. У тўғри вакил жанобларининг олдига келиб, республика президенти ва шаҳар мэрияси номидан бизнесменларга амалий таклиф билан мурожаат қилди. Уч кундан сўнг пулдорлар бузиладиган минорани сотиб олиш учун кимошди савдосида катнашишга ариза беришди...

Битимлар жуда тез ва ҳеч қандай тўсиксиз тузилди. Томонлар ёқимтой табассум билан бир-бирларининг қўлларини сиқиб хайрлашишди. Минора «Пуассон» фирмасининг эгаси Андре Пуассонга сотилди.

Эйфелнинг бузилмаслиги маълум бўлганда эса Люстиг чамадон тўла пул билан аллақачон Венага қочиб кетганди. Кизиги шундаки, орадан бир неча йил ўтиб, Люстиг яна Парижга қайтади ва иккинчи марта Эйфелни сотиш ҳаракатига тушади. Ўша усул, ўша қоидалар билан. Аммо бу гал унинг иши юришмайди.

Фаргонада ҳам эйфель минораси бор

Фаргоналик Комилжон Жўраев Эйфель минорасининг нусхасини ясаган. Мазкур минорани қуриш учун 10 тонна арматура ишлатилган бўлиб, унинг бўйи 21 метр ва тепасига 1,5 метр диаметрдаги футбол тўпи ўрнатилган. Қурилишга 45 кун сарфланган. Чет элдан келган сайёҳлар, хусусан, французлар ҳам Ўзбекистондаги Эйфель минорасини томоша қилмоқда. Бугун дунёда Эйфель минорасининг кўплаб нусхалари, макетлари мавжуд. Юртдошимиз тиклаган иншоот ҳақидаги маълумотлар ва миноранинг сурати ҳам “ҳақиқий Эйфель минораси” сайтига киритилган.

Шоҳ Жаҳон тайёрлади

Эйфель вактинчалик минорами?..

25.07.2013 19:00

